

ОБ-ҲАВОНИ БАШОРАТ ҚИЛИШНИНГ АНЬАНАВИЙ УСУЛЛАРИ ВА УНИ ГЕОГРАФИК ЎРГАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хилола Шухратовна Джўрабоева

Фарғона давлат университети география кафедраси докторанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган, табиатдан фойдаланиш анъаналари сифатида эътироф этиб келинаётган об-ҳавони башорат қилишнинг анъанавий усуллари географик нуқтаи назардан ўрганилган.

Калит сўзлар: анъана, агрометеорология, метеорологик кузатишлар, халқ тақвими, об-ҳаво ўзгаришини олдиндан айтиш, об-ҳаво ўзгаришининг маҳаллий белгилари.

КИРИШ

Инсоният этник жиҳатдан шунча бой ва хилма-хилдирки, ҳозиргача Ер сайдерасида қанча халқ ва элатлар яшаётганлиги фанда аниқ маълум эмас. И.Жабборовнинг ёзишича, «жаҳонда икки мингдан ортиқ элатлар мавжуд бўлиб, улар бир неча мингдан то миллиардгача етадиган миллий бирликлардан иборат» [4]. Ҳар бир халқ ёки этнос муайян худудда шаклланади ва ривожланади. Агар этнос бир худудда узоқ вақт яшаса, у ўша худудга оптимал мослашади ва қоидага кўра, табиий мувозанатни бузмайди, асрлар давомида табиатдан фойдаланишнинг фақатгина шу халқ учун хос бўлган анъаналарини шакллантиради [3]. Ушбу анъаналар минг йиллар давомида сақланиб, доимий равишда бойитиб борилади ва авлоддан-авлодга бериб келинади. Агрометеорологик ҳолатни башорат қилиш усулларини аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган табиатдан фойдаланиш анъаналаридан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Бу соҳа халқларнинг маънавий маданияти сифатида баҳоланиб, этнометеорология йўналишида ўрганиб келинмоқда.

Замонавий метеорологияда атмосфера ҳолатини маҳсус асбоб-ускуналар ёрдамидаги кузатишларни таҳлил қилиш асосида об-ҳаво ўзгаришини башорат қилинади, чунки об-ҳаво биринчи навбатда маълум бир жойда, маълум бир вақтдаги атмосферанинг ҳолатидир. Этнометеорологияда об-ҳавони, экиннинг ҳосилдорлигини, дарё сувининг микдорини, тупроқнинг етилиш вақтини аниқлашда жойнинг минтақавий

хусусиятлари ва жонли табиатнинг фенологик ўзгаришлари ҳисобга олинади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Метеорологик кузатишлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар эрамиздан олдинги V асрларга оид қадимги Юнон ёзма манбаларида учрайди. Шунингдек, бундай маълумотларни Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирлари асарларида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, буюк тибшунос олим Абу Али ибн Сино ўзининг машҳур “Уржузаси” (“Тиб ҳақида шеърий асар”)да иқлим ва унинг шаклланиши ҳамда инсон саломатлигига таъсири ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: “Зарурий ишлардан биринчиси ҳаводир. Ҳавога Қуёшнинг ҳукмлари бор. У ҳукмлар (йил) фаслларида ва ёритқичларга тушишида аён бўлади. Иқлимларга ҳам унинг (Қуёшнинг) таъсири бор” [1]. Олим инсон саломатлиги ва ранги (ирқи)га иқлиминг таъсирини қуийдагича изоҳлайди: “[Кишиларнинг] рангига қараб [мизожига] далил ахтарма, агар унга мамлакатларнинг таъсири бўлган бўлса. Занж (Африканинг шарқий соҳили)да иссиқлик танларни ўзгартириб юборган, ҳатто у танларнинг терисига қораликни кийим қилиб кийгизган. Сақлаб (славян)лар ўзига оқликини олган, шу қадарки, уларнинг териси нафис-нозик бўлиб кетган. Агар етти иқлиминг чегарасини билиб олсанг, мизожнинг ҳамма турларига ошно бўлган бўласан. Ўша иқлимлардан (мизожда) мўътадил ва текиси тўртинчисидир, ранг унда мизожга тобедир” [1].

Агрометеорологик ҳолатни башорат қилишнинг анъанавий усулларини айrim жиҳатлари этнolog, фольклоршунос, маданиятшунос, биолог, метеоролог, агроном каби соҳа вакиллари эътиборини тортган бўлсада, географиянинг тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган. Ушбу йўналиш бўйича этнологияда бажарилган ишлар “анъанавий халқ билимларини ўрганиш” мавзуси остида амалга оширилаётган бўлиб, айrim олимлар бу соҳани турли фанлар орқали комплекс ўрганилиши лозимлигини таъкидламоқдалар [6]. Юқоридагиларга асосланиб, агрометеорологик ҳолатни башорат қилишнинг анъанавий усулларини географик жиҳатларини ўрганиш тадқиқот ишининг мақсади сифатида белгиланди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Аждодларимиз эртага об-ҳаво қандай бўлишини осмон жисмлари, Қуёш ва Ойнинг ҳолатига, атмосферада рўй берадиган турли ҳодисаларга, ўсимлик ва ҳайвонларда ҳамда инсон организмида бўладиган баъзи ўзгаришларга қараб башорат

қилишга ҳаракат қилғанлар. Ҳаво ҳарорати, босим, шамол, булат, ёғингарчилик, қүёш нури, атмосферанинг ионлашғанлиги каби омиллар кишилар саломатлигига, меҳнат фаолияти ва иш унумдорлигига бевосита таъсир этади. Шунинг учун қадим замонлардан оқ ҳалқлар, хусусан, кўпроқ вақтини очик ҳавода ўтказувчи дехқон ва чорвадорлар, шунингдек, кўчманчи ҳалқлар, табиатда бўладиган ҳодисаларни кузатиб, об-ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан билишга ва шунга қараб фаолият олиб боришга одатланганлар. Метеорология, астрономия, геология ва геоморфология каби илмий билимлардан мутлақо бехабар дехқонлар, асрлар давомида табиатни фенологик кузатиш ва оддий астрономик билимлар асосида ҳалқ календарини ишлаб чиққанлар. Қишлоқ хўжалигида зарур бўлган календарь 90 циклдан иборат бўлиб, ҳар фасл 90 кунга бўлинган, яъни, баҳорги тўқсон (ҳамал, савр, жавза), ёзги тўқсон (саратон, асад, қавс), кузги тўқсон (мезон, ақраб, қавс) ва қишки тўқсон (жаддий, далв, ҳут) [4]. Ҳалқимиз орасида об-ҳаво ва ундаги ўзгаришлар, дарёлар режими, тошқин вақти, қишлоқ хўжалик экинларининг етилиши тўғрисидаги топишмоқ, мақол ва хикматли сўзларнинг сақланиб қолғанлиги ҳам юқоридаги календарлар билан боғлиқ. Масалан, “Саксонда савоқда, тўқсонда товоқда (шоли)”, “Аямажуз олти кун, олти ой қишдан қаттиқ кун”, “Асадда оралаб ейсан, сунбулада саралаб”, “Яхши йил баҳоридан маълум, яхши кун саҳаридан”, “Қишининг куни қирқ турли, қирқови ҳам қилиқли” ва бошқалар.

Аждодларимиз об-ҳаводаги ўзгаришларни, экиннинг ҳосилдорлигини, тупроқнинг етилиш вақтини аниқлашда жойнинг минтақавий хусусиятлари ва жонли табиатнинг фенологик ўзгаришларини ҳисобга олишга, дарё сувининг миқдори ва ҳатто тошқиннинг хавф туғдириш даражасини ҳам олдиндан башорат қилишга интилғанлар. Дехқонлар руҳонийлар иштирокида тузилган рисолага эга бўлғанлар. Унда дехқончиликка оид афсона ва ривоятлар, ер, сув, ўсимлик, ҳайвонлар ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш борасидаги айrim талаб ва чекловлар баён этилган. Совет даврида “Эскилик сарқити”, “хурофот”, “инсоннинг табиат олдидаги ожизлиги” сифатида баҳоланган мазкур талаб ва чекловлар, маросим ва иримлар ҳозирги этноэкологик билимлар ойнаси орқали қаралса, табиатдаги мувозанатни сақлашга қаратилган чора-тадбирлар эканлигини англаш қийин эмас.

Куйида ўзбек ҳалқи томонидан асрлар давомида тўпланган, асрлар синовига бардош бериб, авлоддан-авлодга бериб келинган об-ҳавонинг ўзгаришини белгиловчи айrim аломатларни келтириб ўтамиш:

1. Осмон жисмлари (Қуёш, Ой, юлдузлар)ни кузатиш орқали об-ҳавони олдиндан айтиш: Қуёш чиқишидан олдинги шамол ва қора булут – ёмғир белгиси; қуёш кечқурун булутлар орқасига ўтиб ёки қорамтири қизариб ботса, яъни шафак тўқ қизил бўлса, эртасига об-ҳаво айнийди; тушга бориб Қуёш хиралашса – эртасига ҳаво айнийди; юлдузларнинг кўпроқ жимирлаши ҳаво айнишидан дарак беради; янги Ой туғилиши – ой орасида об-ҳаво ўзгарамади.

2. Атмосферадаги айрим ҳолатларни кузатиш ва об-ҳавони олдиндан айтиш: Осмонда қора булутларни пастлаб тез сузиб юриши узоқ давом этадиган ёмғир белгиси; шиддат билан ёқсан йирик ёмғир тез тўхтайди, шивалаб ёқсан ёмғир узоқ вақт давом этади; агар кундузи ҳаво очик бўлиб, кечга яқин туман тушса, совукни кутиш мумкин; ёмғир пайтида бирданига шамол турса – ҳаво очилишидан дарак беради; кундузи иссиқ, кечаси совук бўлса, ҳаво узоқ вақт очик бўлиши мумкин.

3. Ўсимликларни кузатиш орқали об-ҳавони олдиндан айтиш: Йўнғичқа гули, қоқигул юмилса, ҳаво айнийди; гуллар одатдагидан қўра кўпроқ ҳид таратса, ёмғир ёғишини кутиш мумкин; баҳорда терак кучаласи ҳавода учиб юрса, ҳаво очик бўлади; олма ва айрим мевали дараҳтлар ёз охирида иккинчи марта гулласа, куз яхши келади; ёзда дараҳтларда сариқ барглар пайдо бўлиши кузнинг барвақт келишидан, кузда баргларнинг эрта тўклиши эса қишининг эрта келишидан дарак беради; агар терак барглари кузда учидан сарғая бошласа, баҳор эрта келади, пастдан сарғая бошласа – кеч келади [5].

4. Ҳайвонлар ва ҳашоратларни кузатиш орқали об-ҳавони олдиндан айтиш: Асаларилар барвақт озуқа қидириб кетса, ҳаво очик ва беғубор бўлади, агар учиб кетмай, инида ғувиллашиб турса, ёмғир ёғиши мумкин; чорва моллари далада кечки пайт иштаҳа билан ўт еса, сувни кам ичса ва кундузи мудраса ёмғирни кутиш мумкин; ит бошини олд оёқларининг орасига олиб, ғужанак бўлиб ётиб олса, совук бўлади; товуқлар баландроқ жойга чиқиб патларини тозаласа, ёмғирни кутиш мумкин; қалдирғоч пастлаб, ер бағирлаб учса, ёмғир ёғиши мумкин, баландлаб учса – ҳаво очик ва қуруқ бўлади; қарғанинг қағиллаши–ҳаво айниши аломатидир; балиқ сув бетига сапчиб чиқаверса, ҳаво айнийди; қишда сичқон, чумоли ва қўнғизларнинг ер бетига чиқиши – ҳаво исишидан дарак беради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида дехқончилик маданиятининг юксалиши ва фермерлик ҳаракатининг ўсиши ҳар бир кишининг агрометеорологик билимларни ўрганишини тақозо этади. Ер юзида рўй берәётган аномал иқлим шароитида гидрометеорологик тадқиқотларга бўлган эътибор янада кучайиб бориши сабабли жамиятда иқлим ва об-ҳавони олдиндан билиш, оз бўлсада, тўпланган билимлар мажмуасини жамлаш, тажрибадан амалиётда фойдаланиш яхши натижа бериши мумкин.

REFERENCES

1. Абу Али ибн Сино. Тиббий рисолалар. Т., “Фан”, 1987.-352б.
2. Аҳмадалиев Ю. Этноэкологиянинг долзарб масалалари. Ф.: 1997.-34 б.
3. Баллиева Р. Каракалпакский этнос и традиционное природопользование. :Автореф. дис....доктора исторических. наук. –М.: МГУ. 2003. - 49 с
4. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Т.: “Ўқитувчи”, 1994.- 320б.
5. Мўминов О. Қизиқарли география. Т.: “Ўзбекистон”, 1978.-255 б.
6. Руднев В.В. Этнометеорология //Сов. этнография.-М.: 1990. №4. -С. С. 42-54.
7. http://www.dissercat.com/catalog/istoricheskie_nauki/etnologiya/
8. <http://www.dissercat.com/news/rss>.